



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУФИ

“Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 311-мх-сон “Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига (рўйхат рақами 2646, 2014 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 52(I)-сон, 648-модда) иловага мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-хукукий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-хукукий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хукукий хужжатни “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Ташкулов зиммасига юклансин.

Адлия вазири



Тошкент ш.
2020 йил, 21 октябрь
233-мх сон

Davletov R. K.

Келишилди:

Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириши вазири



Садиков Ш. М.

Тошкент ш.
2020 йил, 12 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2020 йил 21 октябрдаги
233-мҳ-сон **буйруғига**
ИЛОВА

**“Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини
навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ти
буйруқка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқ номи ва 1-бандидаги “Давлат нотариал идораларида” деган сўзлар “Нотариал идораларда” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги “Давлат нотариал идораларида” деган сўзлар “Нотариал идораларда” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартибини белгилайди.”;

в) 1–4-бандлар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Жисмоний ва юридик шахслар (бундан буён матнда мурожаат қилувчилар деб юритилади) нотариал идораларга бевосита келиб ёки телефон орқали, ёзма ёхуд электрон шаклда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “E-notarius.uz” ахборот портали (бундан буён матнда ахборот-коммуникация технологиялари деб юритилади) орқали ўзлари учун қулай ва аниқ вақтда мурожаат килишга ҳақли.

2. Мурожаат қилувчиларнинг мурожаатлари нотариус ёки унинг ходимлари томонидан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали Мурожаатларни навбатма-навбат қайд этиш электрон рўйхатига (бундан буён матнда электрон рўйхат деб юритилади) қайд килинади.

3. Электрон рўйхат ҳар бир нотариус томонидан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали алоҳида юритилади.

4. Давлат нотариал идоралари нотариусларининг иш кунлари ва вақти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан белгиланади.

Давлат нотариал идоралари нотариусларининг иш кунлари ва вақтини белгилашда муайян давлат нотариал идораси ёки нотариус томонидан ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида ҳам нотариал ҳаракатлар амалга оширилиши назарда тутилади, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бўйсунувчи туман (шаҳар) доирасида фақат битта нотариус фаолият юритадиган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш кунлари ва вақти уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади. Бунда мазкур маълумотлар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан бир иш куни давомида “Нотариус” автоматлаширилган ахборот тизимиға киритилиши шарт.”;

г) 2-бобнинг номидаги “Дафтарни юритиш” деган сўзлар “Электрон рўйхатни юритиш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 5, 6-бандлар ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 7-банддаги “Нотариус ёрдамчиси келиб тушган ҳар бир мурожаатни навбат бўйича дафтарга” деган сўзлар “Нотариус ёки унинг ходими келиб тушган ҳар бир мурожаатни навбат бўйича электрон рўйхатга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 8-банд “ушбу йилда юритиладиган” деган сўзлардан кейин “электрон” деган сўз билан тўлдирилсин;

з) 9-банд “унинг мурожаати” деган сўзлардан кейин “электрон” деган сўз билан тўлдирилсин;

и) 13-банд “қабул қилинади ва бу хақда” деган сўзлардан кейин “электрон” деган сўз билан тўлдирилсин;

к) куйидаги мазмундаги 2¹-боб билан тўлдирилсин:

“2¹-боб. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали мурожаат қилиш

13¹. Мурожаат қилувчилар ахборот-коммуникация технологиялари орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатлар лойиҳаларининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

13². Мурожаат қилувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари электрон рўйхатга автоматик тарзда қайд қилинади.

13³. Мурожаат қилувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлари уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ушбу бандга мувофиқ йўлланган мурожаат бўйича нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар лойиҳалари нотариал идора томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак.

13⁴. Қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича ахборот-коммуникация технологиялари орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

солиқ ёки коммунал хизматлардан қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса. Ушбу бандда назарда тутилган мурожаатни кўриб чиқишни рад этишга асос мавжуд бўлганда, нотариус мурожаат қилувчига унинг мурожаати келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай тегишли камчиликларни бартараф этиш юзасидан мазкур Низомнинг 2¹-

иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборади.”;

л) 14-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Нотариус электрон рўйхатнинг ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаши лозим.”;

м) 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

н) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирдаги 2¹-илова билан тўлдирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

“Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатмавабат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйруқка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

1-ИЛОВА

“Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

ХАБАРНОМА

Хурматли _____
(мурожсаат қўлувчи жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

Сизнинг мурожаатнинг Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, Мурожаатларни навбатма-навбат қайд этиш электрон рўйхатида ____-тартиб раками билан қайд килинди.
Сизга 20 ____ йил “____” _____ куни соат ___:___ да нотарнус _____
кабулида бўлишингиз лозимлиги маълум килинади.
(нотариуснинг Ф.И.О.)

Нотарнус _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.) _____

20 ____ йил “____” _____ M. Ў. ”.

“Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатмавабат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйрукка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

2-ИЛОВА

“Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга

2¹-ИЛОВА

ХАБАРНОМА

Хурматли

(мурожсаат қилувчи жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

Сизнинг мурожаатингиз Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, Мурожаатларни навбатма-навбат қайд этиши электрон рўйхатида _____-тартиб рақами билан қайд килинган.

Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13^д-бандига асосан _____ ни бартараф этиб, ушбу камчиликлар

(аниқданган камчиликлар)

бартараф этилганидан сўнг такороран мурожаат қилишингиз мумкинлиги маълум қилинади.

(нотариал идоранинг номи)

Нотариус

(имзо)

(Ф.И.О.)

20 _____ йил “_____”

М.Ў. ”.